

(УЗТАГ).

қариш самардорлигини юксалтириш, махсусот сифатини яхшилад йўлларини муҳофиза қилди.

Шу билан бирга музокараларда чўпонларнинг ижтимоий-маиший жиҳатдан яхши таъминланмаганлиги масалалари ўртага қўйилди.

Қўрултойда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Никомов нутқ сўзлад.

Президент тамаки бозори

ОМБОРЛАР НОЗ-НЕЪМАТГА ТҮЛСИН

ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛНИНГ ҲАММАСИНИ НЕСТ-НОБУД ҚИЛМАЙ ЙИГИШТИРАЙЛИК, ЯХШИ САҚЛАЙЛИК, СИФАТЛИ ҚАЙТА ИШЛАЙЛИК

ТИҒИЗ ПАЛЛА

ҚАРОРИМИЗ

ҚАТЪИЙ

Ҳамма нарсани турмуш, кундалик эҳтиёж белгилайди. Одамларнинг орзу-умидлари, интилишлари, ўз мақсадларини рўйга чиқариш йўлидаги саяёҳатларини ҳам. Бунга механизаторлик ҳаётида чуқур ишонч ҳосил қилдим.

Утган куз кези ҳўжалигимиз директори Сафарбой Реймов ёнига чиқдим:

— Машинада пахта термоқчиман.

Директор ўйлаб қолди. Эҳтимол, ҳаёлида ёз бўйи ғўза парваришида тиним билмай меҳнат қилган кунларим таллаётгандай? Балки ғўзани озиқлатириш чоғида агрегат бузилиб қолгани, туни билан уни тузатиб чиқиб, тоғ отарида яна пайкалга минерал ўғит сепиб бошлаганим кўз олдида келгандир? Ким билсин, Ҳар ҳолда унинг узоқ сукут сақлаши мени ташвишга солиб қўйди.

— Пахта теримида қатнашмоқчиман, — дедим охира. — Болам етилиб қолди. Уни ўлантирмоқчиман. Терим машинаси берсангиз, бироз пул ишлаб олардим.

Директор ўрнидан туриб кетди:

— Нималар дейсан? — у қўлларини қаттиқ-қаттиқ қисиб, ҳаяжонланиб гапирарди. — Албатта берамиз. Янгисидан берамиз. Лекин ҳозир бир фурсат жимгина ўтириб қолганимда мен бошқа нарсани ўйлаб кетгандим. Ахир, сен ёз бўйи қўп гайрат кўрсатдинг, қаттиқ меҳнат қилдинг. Мана энди чарчадинг, толиқдинг, демая ўзингни яна ишга ураётганингдан лол бўлиб қолдинг. — Шу пайт хонага кириб келган партия комитети котиби Эгамберди Кенжаевга ўтирилди-да, завок билан сўзини давом эттирди: — Бундан қара-я, Эгамберди, қандай аjoyиб одамларимиз бор. Бундайлар билан асло юкинг ерда қолмайди.

Ҳақиқатан совхозимиз далаларида не-не меҳнатлар билан етиштирилган юк — оқ олтин териб бердим. Олдиндан айниб қўя қолар: орзум ҳам ушалади. Икки ойда устама мукофоти ҳам қўшиб, 2.600 сўм даромад қилдим, ҳамма мақсадларим рўйга чиқди.

Совхозимиз ҳам олдинги қаторда планни бажарди. Гектар ҳисобига 26 центнердан хир-

мон кўтардик. Ҳўжалик кассасига 4 миллион сўмдан кўпроқ пул тушди.

Мана яна терим мавсумига яқинлашиб бормоқдамиз. Жуманиёз Бердиев бошқараётган бўлим, Ибодулло Рўзимов, Қуробой Собиров, Жуманиёз Аҳмедов бошлиқ бригадаларда айниқса мўл ҳосил етиштирилди. Ўзим ҳам, ўғлим ҳам пудратда меҳнат қилдик.

Бу йил ҳар гектаридан 28—30 центнерга етказиб пахта олмақчимиз. Бунинг учун етарли асослар бор. Ўғзаларни бўлиқ, серхосил қилиб етирдик. Ҳар тутида етти-саккиз бўлиқ қўсак санаб мумкин. Олди далаларда чаноқлар пайдо бўлди. Лўппи пахталар қўзларни қувонтирмоқда.

Ўқинда бригадалар, бўлимларда йиғилишлар бўлиб ўтди. Пахтакорлар, механизаторлар етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга сўз бердилар. Мавсумни ушқоқлик билан бошлаш учун ҳамма нарсани шайлаб қўйдик. Йўللار, қўприқлар, пахта қуритиладиған майдонлар созланди. Механизаторларимиз 20 тадан зиёд терим машинасини шайлаб қўйишди. Ўзим ҳам агрегатнинг барча қисмларини синчиклаб қараб чиқдим, заруратга қўра янгилари билан алмаштирдим. Жамоа ҳўжалигимиз муҳандислари терим машиналари ремонтдан мамнун бўлишди. Қабул комиссияси қўздан кечириб, тайёрлик чизига қўйди. Ўғза барги тўктирилиб, қўсаклар 60—70 фоиз очилиши билан теримга тушамиз. Бизда оқ олтиннинг бирор мисқоли ҳам нобуд бўлмайди. Ўзим хирмонга 250 тонна дурдона тўқмоқчиман.

Қ. СОБИРОВ,
Элликқалъа районидagi «Москва» совхози механизатори.

МЕЗОН УЧДИ

Мана, она юртимизга тўкин-сочин куз ҳам кириб келди. Бугун қайёққа қараманг, деҳқоннинг иши тигиз: сабзавот пайкалларига, мевазорларда, полянда олтиндек тоблиниб, шарбатга тўлиб ноз-неъмат етилди. Энди бу ҳосилни пайдар-пай йиғиб-териб, меҳнаткашлар дастурхонига, қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш асосий вазифага айланди. Шу боис бугун қишлоқларимизда каттаю кичик далага чиққан. Мақсадимиз етиштирилган ноз-

неъмат нобуд бўлишига мўтлақо йўл қўймасликдир.

Бугунги ҳар кун сабзавоткор ва соҳибкор йил-ўн икки ой қилган меҳнатига яқин чиқаради. Беғамлик қилса, ушқоқликни бўшаштирсак, тадбиркор бўлмасак — ютқазамиз. Дала кезиб, пайкал оралаб, саратон қўёши ҳарорати остида қуйиб-ёниб меҳнат қилган асл деҳқон бунга асло йўл қўя олмайди. У ҳосилни охиригача териб олмагунча тинчимайди.

Бу йил қолхозимиз 400 гектардан зиёд майдонда сабзавот етиштирди. Азим ва навқирон Бухоро аҳолисига сервитамин, ширали маҳсулотларни кўпроқ етказиб бериш учун экинни яхши парваришладик, оби-тобида сугордик. Шу туфайли бодринг, помидор, бақлажон ва бошқа маҳсулотларимиз ҳам мўл, ҳам сифатли. Айни кунларда кунига 50-60 тоннадан сабзавот йиғиштириб олинмоқда.

Боғларга ҳозир бир кириб қолсангиз, куз қўёши нурулари остида олтин янгилик товланиб турган узум бошларидан қўз узоқлайсиз. Соҳибкорлар ҳосилни узиб, шаҳарликларга, Россиянинг йирик саноат марказларига жўнатмоқдалар. Қовун-тарвуз ҳосили ҳам мўл бўлди.


Қолхозимизда мўл ҳосил усталари оқ эмас. Барот Аслонов ва Гайбулла Ашуров бошлиқ бригада жамоалари меҳнатда ҳаммаша ўрнак. Улар катта-ю кичикни сабзавот теришга жалб этмоқдалар.

Жамоа ҳўжалигимиз меҳнаткашлари бу йил она-Ватанга 7.500 тонна сархил ноз-неъмат етказиб берамиз, дейишарди. Бундан ташқари деҳқонлар давлатга 222 тонна мева, 295 тонна узум, 100 тонна қовун-тарвуз топиширишмоқчи.

Халқимиз даладагиси эмас, аҳоли хонадонига етиб боргани, омборларга тушгани ҳисоб, дейди. Бу наққа амал қилинган жойларда йиғим-терим суръати ошиб, сифати яхшиланаверади. Ҳозир қишлоқларимиздаги ёшув кенса, эркак аёл пайкалларга чиққанлар. Бирлашиб, уюшиб, бутун куч-гайратни йиғим-терим суръатини оширишга сарфламоқдамиз.


Далаларда мезон учди. Эндиги ҳар дам ғанимат. Бободоҳқонлар бунинг жуда яхши билиши. Ҳаракатлари ҳам шунга яраша бўлади. Қисқаси, пешона тери тўкиб етиштирдикми, тўкиб-сочмай, оқизмай-томизмай йиғиб-териб оламиз. Бу бизнинг эл-юрт олдидagi бурчимиздир.

Ғ. САЙФУЛЛАЕВ,
Бухоро район «Маданият» жамоа ҳўжалиги бош агрономи, партия комитети аъзоси.



Қарши районидagi Карл Маркс номи давлат ҳўжалиги механизаторлари пахта йиғим-теримига пухта тарадуд кўрмоқдалар. 36 та зангори кема ва бошқа машина-механизмлар шайлаб қўйилди. Уларнинг ердамида ялпи ҳосилнинг 90 фоизи саранжомланади.

Ж. БОБОРАХМАТОВ
олган суратлар.



САФАРБАРИК

«Ўзбекистон пахтакорларининг кайфиятлари аъло!» Жумҳурият қишлоқ ҳўжалиги давлат-кооператив комитети бошқармасининг бошлиғи Р. Назаров пахта мавсумининг бошланишини шундай таърифлади. Кейин эса нима учун шундайлигини тушунириб берди. Мамлакатимиз асосий пахта зонасининг жанубий ва ҳатто шимолий районларидаги ҳўжаликлар ҳосили етилган майдонлардаги пахтани ўтган йиллардагига нисбатан ўн кун олдин териб олишга киришдилар. Авал теримини сентябрнинг дастлабки кунларидида бошлаш режалаштирилган эди. Бироқ иссиқ келган август ойи ва ёгин-гарчиликсиз об-ҳаво пахтанинг етилишини тезлаштирди.

Мутахассисларнинг тахминларига қўра, пахта топишларини белгиланган марадан — 4 миллион 745 минг тоннадан ошириш учун барча имкониятлар бор. Бунинг устига бу йилги ҳосил қамроқ майдонда етиштирилди — жумҳурият пахта майдонлари ўтган йилдагига нисбатан 150 минг гектар қисқартирилди. Сабзавот ва озуқа экинлари экиладиган майдонлар, боғлар ва узумзорлар эса шунча кенгайган.

Теримчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ оширилганлиги туфайли ҳам пахтакорларнинг кайфияти яхши — биринчи навли бир килограмм пахта учун улар 25 тийиндан, мавсумга тайёрланаётган механизаторлар машинада терилган бир тонна пахта учун 10 сўмдан ҳақ олишарди. Ўғзаларнинг баргини тўктириш ишлари эндигина авяк оляпти. Ҳосилнинг 60 фоиздан кўпрогини машиналар ердамида териб олиш мўлжалланмоқда.

Бироқ дефолантлар муаммоси ҳали ҳам мушкул масала бўлиб турибди. Ҳозир қўлланилаётган магний хлорати пахтакорларни қонқиртирмапти. Ғарбий Германиянинг «Шеринг»

фирмаси ишлаб чиқараётган «Дроп» дорисидан синаб кўриш мақсадида фойдаланиш ҳамма жойда яхши натижалар берди. Лекин бу дефолант хаддан ортиқ қиммат — гарчи бир гектар экин майдонига аттиги 400 грамм керак бўлса-да, бир тоннаси валюта ҳисобида 30 минг сўмдан кўпроқ туради. У юмшоқ таъсир қилиши ва муҳим бағрларни қўритиб юбормайди. Бу эса юқори сифатли пахта олиш имконини беради. Бу йил 100 тонна шундай дорини сотиб олindi. Кўпроқ олишга ҳозирча маблағ етмайпти.

Лекин, эҳтимол, пахтанинг хариш нархлари ошганидан кейин ҳўжаликлар бойиб қолар. «Дроп»ни ишлаб чиқарувчилар эса уни бироз арзонроққа беришга ҳам ажаб эмас. Ва, нҳоят, кимёгарларимиз эҳтимол ўзларининг кўп йиллик изланишлари давомда бир омадлари келиб чет элникидан қолтирмайдиган дорини тайёрлашга муваффақ бўлишар.

Ғ. КОВАЛЬ,
ЎзТАГ мухбири.

МУРАББО ТАЪМИ

КОЛХОЗ ЦЕХИДА ҲН ХИЛГА ЯҚИН КОНСЕРВА ТАЙЕРЛАНАЯПТИ

Уйчи районига сабзавот, ҳўл мева, полиз маҳсулотлари кўп етиштирилади. Бундай ноз-неъматлар жамоа ҳўжаликлар билан бирга хонадонларда ҳам доимо сероб бўлади. Маҳсулот илгари Наманган консерва заводига олиб бориб топишарди. Бунда кўпгина қи-йинчиликларга дуч келина-рди: биринчидан, узоқ йўл босилар ва корхона олдига навабатда туриларди. Иккинчидан, транспорт харажати бор эди. Учинчидан, не-не машаққатлар билан етиштирилган хом ашёнинг маълум қисми корхонага етиб бор-гунча нобуд бўларди. Ана шу қи-йинчиликларга барҳам бериш, қишлоқ жойлардаги одамларни, ай-ниқса хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсади-да «Уйчи» жамоа ҳўжалиги-да консерва цехи барпо эти-либ, фойдаланишга топиш-рилганлиги айни мўддао бўлди. Яқин атрофдаги кол-

хозларда, деҳқонларнинг шахсий ердами ҳўжаликлар-ида етиштирилган ноз-неъмат шў корхонада қабул қилиниб, пешма-пеш қайта иш-ланмоқда. Бу пех йиғирма-дан зиёд кишини иш билан таъминлаш имконини бер-ди.

Дастлабки натижалари-миз чакки бўлмапти, — дейди мазкур цех бошлиғи Муҳаммаджон Мирзаалиев. — Ҳозирги долзарб пайт-ларда кунига 3 минг шарт-ли банка маҳсулот тайёрла-лимиз. Авадига уч-тўрт хил маҳсулот чиқарган бўлсак, ҳозирги пайтда уларнинг тури ўтганга яқинлашиб қол-ди. Олхўри, олма, узум ва бошқа неъматлардан компот, мурabbo ишлаб чиқаришмоқ-да. Хом ашё етказиб бери-лишини яхши йўлга қўйиш мақсадида колхозлар, сов-хозлар ҳамда хонадонлар билан шартномалар тузган-миз. Корхонамизни маҳсу-лот билан таъминлашда Ра-

ҳимжон Ганиевнинг хизмат-лари катта. «Ленинчи йўл», Оқунбобоев номи, «Уйчи» колхозлари шартнома маж-буриятларини яхши бажари-шапти.

Дарҳақиқат, қишлоқдаги саноат корхонасининг даст-лабки ютуқлари қувонарли-дир. Бу ерга кирган киши хотин-қизлар гайрат-шўжот билан меҳнат қилаётганлик-ларининг гувоҳи бўлади. Иш икки сменада тақил-иш этиганилиги туфайли маши-на-механизмлар, ускуналар бўш қолдирилмай, улардан самарали фойдаланишмоқда. Маҳмудхон Оранбоева ва Саломатхон Турсунова бош-чиллигидаги икки бригада ўзаро мусобақалашиб меҳ-нат қилапти. Сотиболди Мирзаалиев, Ўқтамхон Аб-дурахимов, Маъсудхон Юнусова, Маҳмудхон Аб-дуллаева, Зайнабхон Обило-ва сингари ҳодимлар кунлик топишриқларни ошириб ба-жаришда, маҳсулот сифати-ни яхшилашда бошқаларга намуна бўлишмоқда. Мукад-дас Набиева ва Мукаррам Мамадалиева ҳам ўзаро му-собақада олдинги сафда бо-ришапти.

Меҳнат жамоаси бошқа имкониятларини ҳам ишга соляпти. Йўмладан, ҳозир-ги пайтда цех яқинидаги бир гектар майдонда бодринг парвариш қилинмоқда. Бу ердан ўн тоннадан зиёд маҳ-сулот олиш режалаштирил-ган. Цех ишчи-хизматчилари куз давомда 30 тонна туз-ланган бодринг ва помидор тайёрлаб, эл-юрт дастурхо-нига етказишни ўз олдла-рига мақсад қилиб қўйиш-ган. Йил охиригача 80 минг-тадан зиёд шартли банка турли ноз-неъмат тайёрлаш учун курашаётган аҳил жа-моа меҳнат маромини бир дақиқа ҳам пасайтирмагани йўқ. Кўрсатилаётган гайрат-шўжот қўзланган марра эгаллинидиган дарак бериб турибди.

М. ҚОДИРОВ.

Суратда: консерва цехининг пешкадамларидан Маҳмудхон Оранбоева маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

А. ЮСУФБОВЕВ олган сурат.

КАТТА САМАРА

Маълумки, жумҳурияти-мизда пахта тозалаш заво-длари ва тайёрлов бўлима-ларида хом ашё асосан очик жойда сақланади. Бу унинг сифатига салбий таъсир эта-ди, ифлослик ва намлик дара-жасининг ошганига олиб кела-ди. Шунга барҳам бериш мақ-садида кейинги йилларда қўп-га қабул қилиш бўлималарида усти ёпиқ омборлар қуриш-га алоҳида эътибор берил-моқда. Сирдарё, Оқолтин, Қарши, Чиноз пахта тоза-лаш заводларида йирик те-мир-бетон конструкциялар-дан тикланган омборлар хом ашёни яхши сақлашда му-ҳим аҳамият касб этмоқда.

Тилга олинган иморатлар-ни барпо этишда қўлланила-

диган темир-бетон конст-рукцияларнинг технологияси «Узгирогрострой» трести мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Бундай ус-куналар Нариннома тажриба темир-бетон бўйномлари заво-дида ишлаб чиқаришмоқда. Бу корхонада ишчи қомил-лаштириш учун қўпгина тех-никавий тадбирлар амалга ошириляптир. Ҳозирги пайт-да бу ерда бир йўла ўнга қўлида пахта омборлари учун йирик конструкциялар ишлаб чиқарилиши йилга 14 минг сўм иқтисодий са-мара бериши мутахассислар томонидан ҳисоблаб чиқилди.

М. ВЛАДИМИРОВ.

Халқ назорати амалда

ҚУРУҚ ҚОШИҚ ОҒИЗ ЙИРТАДИ

Амалдаги беш йиллик бо-лашга Ўзбекистон Компар-тияс Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1986—1990 йил-лар ичида қайта ишлаш тар-моқлари моддий-техника ба-засини ривожлантиришни янада тезлаштиришга қар-тилган қарори эълон қилин-ди. Мутахассислар министри-лар ва идоралар зиммасига Озиқ-овқат дастурини ҳал-этишнинг муҳим омилли бў-лган ана шу масъулиятли иш-га биринчи ҳодимлар аҳами-ят бериш вазифаси юклатил-ди. Оравдан йиллар ўтди. Ҳўш, ишлар қай йўсунда кечмоқда? Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети теширувида қўйидагилар аниқланди. Дастлабки йил-лари баъзи тадбирлар белги-ланганига қарамай, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Қўриқда таъкид-ланган қарор асосида белги-ланган режалар таъкидот-чилик ишлари билан му-стаҳкамланмай қозғола қолди, иш кескин орагача кетди. Аҳоли жон бошига деҳқон-чилик маҳсулотлари етишти-риш қўйиш ўрнига қамай-ди. Гўш, сўт ҳамда турли хил консерваларга таъкид-лик сезилмоқда. Ўзбекистон

ССР Қишлоқ ҳўжалиги дав-лат-кооператив комитети дав-лат назоратини айби билан қа-рорда қўрсатилган 30 хилда-ги истеъмол молларининг саккиз хили бўйича план-лар бажарилмади. Ўтган тўрт йрим йил ичида қўш-комбинатларига қарайиб 122 минг тонна қорамол (тирик вазнда) етказиб берилмади. Оқибат натижада жумҳурият аҳолиси 53 минг тонна гўшт, 10 минг тонна гўштга ярим фабрикаларини ололмади.

Айниқса гўшт саноати корхоналарида аҳвол таъ-вишли. — дейди Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитет-ининг инспектори В. Бочка-рёв. — Қувватлар, ички им-кониятлардан унумли фой-даланилмапти. Сўт саноати корхоналаридаги аҳвол ҳам бундан баттар. Тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ав-нагли йилларга нисбатан ка-майди. Бир фоиз ёғи бўлган сўт ва сўт маҳсулотларини тайёрлаш юмричилигида 10 минг тонна ўғитига 1.3 минг тонна таъкид эди. Икки-лавичи ресурслардан оқило-на фойдаланилмапти. Ўқув-сизлик, ўзибўларчилик кан-чадан-қанча маблағларнинг ҳавога совурилишига сабаб бўлмоқда. Ҳал қилувчи бў-гиниларда фаолити юритаёт-ган назоратчилар эса ҳўжа-сизлигини кўра билат туриб,

бонг уришмапти. Қўйидаги мисолга эътибор беринг. Саноат асосида қайта иш-лашга ёғи олган сутнинг уч-дан бир қисминга жўна-тиляпти.

Андижон, Олмалик ва Оқ-тош сўт заводларида хом ашёдан тежаб-тергаб фойда-ланиш, маҳсулот турларини қўлайтириш, илгор иш усул-ларини жорий қилишда бой тажриба тўпланган. Бироқ уларнинг хайри ҳаракатла-ри кент оммашайтириляпти-рин йўқ. Ўзбекистон жум-ҳурият давлат-кооперативи бирлашмаси раҳбарлари ҳам моддий-техника базани рив-ожлантиришга камҳафсала-ли билан қарашаяпти. Амал-даги беш йиллик ичида бир-лашмада йилга 785 милли-он шартли мева-сабзавот консерва банкларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ре-жалаштирилган эди. Афсус-ки, ташаббус аро йўлда қол-ди. Бир ёқлама иш юрти-лаётганлиги сабабли таъми-нодда узилишлар рўй бер-моқда.

Жумҳурият халқ назорати комитети мажлисида Дон маҳсулотлари министрилиги раҳбарлари шатинга жиддий гаплар айтилди. Манжур иқомиятдан унумли фойда-ланилмаганлиги, ишнинг қа-ловини топа билмаслик му-

аммоларни қалаштириб юбор-моқда. Мазкур министрлик шу каби камчиликлар туфай-ли ўтган йили 27.6 минг тонна ун, 2.000 тоннадан ор-тиқ гўрч, 1.2 минг тонна атрофида макарон маҳсулот-лари етказиб бермади.


Сон эмас, сифат бузилиш-лари ҳам қўпаймоқда. Ўт-ган йили текширув ўтказил-ган 21 сўт саноати корхона-сида давлат стандарт талаб-лари бузилганлиги қайд этилган эди. Ташвишли ҳол 1990 йилда ҳам давом эт-моқда. Озиқ-овқат програм-масини бажаришдаги ўқув-сизликлар ажратилган маб-тағлардан жой-жойига тад-биркорлик билан фойдала-нилмаётганлиги оқибати ҳам-дир. Объектларни лойиҳа ҳўжажатлари билан таъмин-лаш, етилган муаммоларни жойида ҳал этиш пайсалга солинапти. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрилиги бўли-маларининг айби билан Кат-қўрғон болалар истеъмол-моллари заводини ишга ту-шириш мўддаги икки ма-ротаба ўзгартирилди. Нати-жада 20 миллион сўмлик маҳсулот олинмай қолди. Дўстлик аралаш ем тайёр-лашга ихтисослашган заводини ишга тушириш ҳам йил-лар мобайнида қўзиб келин-моқда. Қанчадан қанча маб-

даг сарфланган техника, мос-ламалар маҳтал бўлиб ётибди.

Юқорида таъкидлангани-дек малала, маҳорат, билим ҳамда узоқини кўра билмас-лик туфайли биз ҳикоя қи-лаётган тармоқларда чидаб бўлмас даражада қусурлар-га йўл қўйиляпти. Халқимиз пешона тери эвазига олинган маблағлар совурил-моқда. Аммо айбни бўйига оладиган мард йўқ. Бир ми-нистрлик иқтисодисига тўн-кайд, раҳбарлар ва мута-хассислар турли баҳоналар-ни, ҳар хил сабабларни ваъ-қилиб қўрсатишади. Сўм қадрига етмай туриб ҳеч қачон бой бўлиш мумкин эмас. Назоратчилар меҳнат жамоаларида бўлганларига кимлардир зорикиб кутаёт-ган хом ашёлар бекорга ис-роф бўлаётганлигини кўриб ранжидилар. Олдинда го-ят масъулиятли вазифалар турибди. Бозор иқтисодиети-га ўтиш ҳар бир сўмини жой-жойида ишлатиш, ўз касби-нинг ҳақиқий билимдони бўлишни тақозо этади. Халқ мулкни қадрламаган, бурч масъулиятини қалбдан ҳис-эتماган киши эса панд ейди.

М. ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ на-зорати комитетининг жа-моатчи инспектори.





Суратли лавҳа

СОҲИБКОР САХОВАТИ

Орхоникенд районидagi Ризамат Мусаммадовнинг ишлари давлат ҳўжалиги биринчи даражада бўлиб, иқтисодий муваффақиятларга эришганини самарали йўлга ўтди. Улар етиштирилган ҳосилни ҳа шарҳларисиз, ўз кўчлари билан йиғиштириб олишга бел боғладилар.

Таъаббус, омилкорлик, ички имкониятдан умумий фойдаланиш қувончли натижалар бермоқда. — деди совхоз директори Қ. Алимов. — Бўғбон соҳибкорларнинг иш унуми ошди. Найфяти кўтарилди, аксарият бригада ва зенонлар мўмай даромад олишмоқда.

Авваллари ҳўжаликда узумнинг 200 килограммига 3 сўм 15 тийиндан ҳақ тўланарди. Эндиликда у 8—9 сўмни ташкил этаётти. Илгори усул шарофати тўғрисида давлат ҳўжалиги ҳўзининг ўзида узумдан 65 минг сўм, мевадан 68 минг сўм даромад қилди. Соф даромад 36 минг сўмни ташкил этди. Қўвончли шуки, истеъмолчиларга етказиб берилган узумнинг дەرли ҳаммаси, меванинг 95 фоизи биринчи навга ўтди.

Совхоз Тошкент аҳолиси-га мева етказиб бериш топширигини ортиги билан удалади. Ана шу мақсадда уч районда савдо тармоқлари очилди. Уларда 75 тоннадан ортиқ ноз-неъмат сотилди. Шунингдек, жумҳуриятдан ташқарига 250 тонна мева жўнатилди.

Шу кеча-қундузда саховатли бегларда йиғим-терим авжиди. Иқтисодий маънафдорлик таъминланаётганлиги, социалистик мусобақа шарофати тўғрисида юксак натижаларга эришилди.

Зенониз тузилганига уч йил бўлди. — дея ҳикоя қилади миришкор бəғбон Бəхид Ҳəжəв. — 42 гектар ерда нəъмат етиштиряпмиз. Ҳар йил планлар зиёдадан билан адо этиляпти. Аммо бу йилгидек кўп маош олганимизни эсдoл-маймиз.

— Очингил айтсам, авваллари қилган меҳнатимга ачинардим. — сўхбатга қўшилди ишчи Мамлакат Бўриева. — Ҳўзингиз ўйланг, бир килограмм узумга оз

ҳақ тўланарди. Эндиликда 5 тийинга чиқди. Утган ойда тер тўкиб ишлаб, энг кўп маош олишга эришдим. 1129 сўм қўлимга текканида ишон қирамай қолдим. Зеро, бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик қўйлаётган экан, бундан бўён сўмини сўмга уриштириш ҳақида ўйлашимиз керак.

Ҳазор социалистик мусобақада вилоят Советининг депутаты Энвер Муротов етакчилиги қилаётган бригада пешадам. Улар мавжуд имкониятдан умумий фойдаланмоқдалар. Йиғим-терим ишларида барча сафарбар этилган. Ташаббускор бригада жорий йилда 1920 тонна узум, 450 тонна мева топширишга аҳд қилган. Иш ваъдага яраша бўлапти. Сархид ноз-неъматлар пешма-пеш истеъмолчиларга тортиқ этилмоқда. Мамлакат Бўриева, Дəно Аулəва, Мукəрам Мирəзиева, Ибодат Зəфəров ва кəби фəйдиёлар мусобақа қўзғилиш тўс беришляпти.

Қўзғилишнинг таъкидлашча, янги ҳақ усул шарофати билан барча маънафдор. Авваллари ерданчиликни жалб этиш, уларни қўллаштириш, умумий меҳнатга қўллаш учун жуда кўп куч-ҳаракат сарфланган. Бироқ натижа ҳар дам кўп қўллангидек эмасди. Норозиликлар, келамановчиликлар бўлиб турарди. Энди эса бундай ташвишлар барҳам топди. Иқтисодчиларнинг таъкидлашча, ҳар йили ҳашарчиларга ўрта ҳисобда 74 минг сўм сарфланган. 50 киши учун ўрта штар берилган. Уларга 9 минг сўм атрофида қарилган. Янгилик шарофати тўғрисида маънафдор ҳўжалик ҳамёнига қўлмоқда.

Совхозда бошқа тармоқлар ҳам жадид ривожланилапти. Уларнинг ташаббуси раён партия комитетининг пленумида алоҳида тилга олинди. Қишлоғи ҳам пухта ҳўзинлик қўриляпти. Махсус бригадалар дақиқлар қадрига етиб ишламоқдалар. Ишчи ва хизматчиларга чорва озуқаси сотилмоқда. Ҳў-

зирча хонадонларга 28 тонна ўғига 35 тонна озуқа етказиб берилди. Совхоз маъмурияти, партия комитети ҳалол тер тўкаётганлиги моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бормоқда. Ким билан сўхбатлашсанг, сўзлар йилида жами 4 минг тонна узум, 1000 тонна мева етиштириш юзасидан қабул қилинган мажбурий бажарилишини таъкидлайди. Қаторда норинг бўлса юкин ерда қўллайдилар, дейди халқимиз. Ишбилармон, ташаббускор бəғбон соҳибкорлар бор экан, иш олдига босаверади!

О. ҲОҒУРОВ, «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: Юқоридида илгори бригадда бошлаган Энвер Муротов ва ишчи Мамлакат Бўриева ҳўзил қўзғилишдан хурсанд. Пастдаги суратларда бəғ ва узумзорлардаги қайноқ меҳнат акс этирилган.

Б. АЛИМОВ олган суратлар.

Бизнинг халқимиз ҳам билимга гойа илҳомдод, ташна ва шу билан бирга уни яратишга, бойитишга уста. Ибн Сино, Бевруний, Хоразми, Улугбек, Навоий, Исмоил Бухорий ва шуларга ўхшаш илм-маърифат, маданият тараққиётга бекиб ҳисса қўшган, бутун жаҳон танийдиган юзлаб аллома ва мутафаккирларни шу халқ ўз орасидан етиштириб чиқарди.

Афсуски, халқимизнинг билимга бўлган ташналиги ҳатто бизнинг замонамизда ҳам тўла қондирилмади. Бизнинг 70 йил мобайнида илм, фан, маданият, маориф соҳаларида кўп нарсаларни қўлга киритдик, алоҳида-иқтисодий мизини керакли ва кераксиз алмаштираверган бўлсак-да, ҳар қалай, халқимизнинг саводхонлигини жиддий кўтаришга эришдик. Миллий Фанлар академиясига, ўйлаб-ойиб ўқув юртига ага бўлдик, кўплаб олимлар ва мутахассислар етиштирдик. Лекин бунда рақамлар, табиий тарзда бўй берадиган маданий ва маърифий ўзгаришларга маҳли бўлиб кетдик. Умумий халқимиз саводсиз бўлган деб, ўзимиз ўйлаб чиқарган рақамлар, ас ҳақиқатга тўғри келмайдиган фойдаларни келтириб ерга уриб юрдик. Билимларимизни чуқурлаштириш, фан ва зехимимизни қарқаш ўғига бошқалардан қанчалик ўзиб кетганимизни, биздаги мутахассислар бошқаларникидан киши бошига неча бор кўп эканлигини рўқча қилиш, ишоблаш билан оғир бўлди. Илм, маданият, ахлоқ-одобнинг умумий моҳияти ва ҳосияти зорлигини умумий, илм-фанга сўбат ва мафкура либосини қийғиздик.

Донишмандлардан бири нақтинча галбадан вақтинча мағлубият ахшироқдир, деган экан. Биз бундан қучимизни, мағлубиятимизни, эътиборимизни моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратдик, бировларни қувниб етиш ва ўзиб кетишга интилардик. Шулар заминда турли-туман идораю бошқарув органларини тузиш, уларни қайта қуришга берилад кетдик. Оқибат натижада маънавий жаҳда — маориф, фан ва маданият инқилиби даражали соҳа бўлиб қолди. Давлат мактаб, боғча, маданият ўқовларига қўллаш ва халқ хизматига бериш, мутахассис кадрлар етиштириш корхона, колхоз, совхозлар зиммасига ташлаб қўйди.

Билимлар маскани — мактаблар ўқиш ва таълим бериш учун шароити йўқ бирноларда кун қўраётганини сезмайдиган бўлиб қолдик. Қарорлар, қонунлар, дастурлар қабул қилаверган сари бу соҳадаги аҳвол янада мушкуллаштириб бориш шунчаки ҳар кун эрталаб қўшиб қийиб, оқшомда ботиш каби биз учун табиий бир нарс бўлиб қолди. Боз устга мактаб, муаллим, маърифат ишига кимлар қарашмади дейсиз. Мактаб учун ўқитиш, таълим-тарбиядан ҳам йўналиш бўлиб тўзалади, ташлаб, ёки пахта териш зарурроқ бўлиб қолганди. Халқ маорифининг мезони талабаларнинг билим сависли билан эмас, унинг маҳаллий ор-

ганларга, корхона, колхоз, совхозларга тобелик даражаси билан баҳоланарди.

Ўғур режалари ва дастурларига амал қилиш ўғига ўқувчиларни синфдан-синфга шунчаки қўчириб қўйиш, рақамлар орасидан қувий натижасида кўзбўйлашчилик, алдаш, ҳаттоки баҳоларни пуллаш каби шармандали ҳоллар кўпгина мактабларимизда таомилга айланб қолганди. Ҳўш, шу сингари ва бошқа чуқур илдиз отган иллату оқибатлар кишиларимизнинг билим, маърифатга бўлган илҳос-ҳавасини оширдими?

Билимларни ағаллаш, маъдмотни ошириш — бу уздуксиз жараён. Киши олий ўқув юртини битирганидан кейин ҳам ўз малакасини тақомиллаштириб бориши, турли хил билимлар ва маданий бойликларни тинмай ағаллаш зарур. Яъни уздуксиз таълимни, инқироғи катта ёшдаги кишиларнинг таълим олишини тўғри йўлга қўйиш керак. Афсуски, бу соҳада ҳам бизда катта «иқтисод» қилинди. 20 миллион аҳолиси бўлган шундай жумҳуриятда фақат Тошкент ва Бухоро шаҳарларидагина Билимлар уйи бор, холос. Минглаб, ўн минглаб ўз савиясини оширишни, маънавий-маданий эҳтиёжларини қондиришни истайдиган ўрта ва катта ёшдаги кишилар нима қилишни билмай қаранг. Ҳўзир мавжуд ва қўриллаётган клублар, маданият саройлари уздуксиз таълим беришни қўзда тутмайди. Мактаблар, институтлар икки, ҳатто уч сменада ишлашнинг учун улардаги бор имкониятлардан фойдаланиш мумкин.

Ана шулардан келиб чиқиб, жумҳуриятимиздаги турли ташкилотлар, муассасалар кейинги пайтда ўз фаолиятларини бевосита халқ маънафатларига хизмат қиларган амалий ишларга қаратиш йўлида муайян тадбирларни амалга ошироқдалар. Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти ана шулар жумласидандир. Ўз сафарига фан, маданият, маориф фойдаларидан, халқ ҳўжалиги мутахассисларидан қарийб 100 минг кишини бирлаштирган. Бу катта маърифий-маънавий куч омма орасида илм-фаннинг турли соҳаларида доир билимларни кен тарғиб қилиш, жумҳуриятнинг иқтисодий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан раванг топтириш ишига мўносиб ҳисса қўшмоқда.

Омма орасида олиб бораётган тарғибот ишларимизнинг асосий йўналишлари жамиятнинг инқилобий қайта қуриш, демократиялаш, ошқорлик, иқтисодий ислохот, бошқариладиган бозор иқтисодиёти, жумҳуриятимиз аҳоли, уни яхшилашга қаратилган режалар, иқтисодий мушкуллик, сиёсий суверенитет, миллатлараро муносабатлар, умуминсоний қадриятлар, маданий меросимиз, экология, ҳўқуқий умумтаълим, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ахлоқ ва одобнинг ота-бобларимиздан қўлиб келётган ноб анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш каби масалаларни қамраб олади.

Кенг қўламли тарғибот ишларини самарали олиб бориш учун жумҳурият «Билим» жамияти бошқаруви қўшидаги илмий-методик органлар тарқиб қайта қўйилди, билимларнинг турли-туман соҳалари бўйида олиб бораётган мувофиқлаштирувчи кенгашлар қўмисилари тузилди. Ҳўжмалар, миллатлараро муносабатлар муаммолари қўмисилари, маданият ва экология масалалари кенгаш-

ри, жумҳурият иқтисодий ва илмий-техника тарғиботи уйи, ахборот маркази, ҳўқуқий умумтаълим маркази, уздуксиз таълим маркази, амалий руҳийтшўнослар уюшмаси, «Вариант» компьютер клуби, лекторларнинг бир қатор муваққат иқидий жамоалари ва уюшмалари, «Пульс», «Билим» ширкатлари ташкил этилди.

Биз меҳнат жамоаларининг замонавий билимларга ва ахборот талаб-эҳтиёжларини ўғганиб қийиб, шу асосда қўрсатиладиган, хизматларнинг иқтисодий-иқтисодий жиҳатларини кенгайтиришга ҳаракат қўймоқдамиз. Лекция тарғиботида иқтисодий билимлар, мулкчилик, ижара, ширкат, нарх-наво, бозор, банк, ташқи иқтисодий алоқаларга доир мавзулар етказиш ўғинини ағаллаяпти.

«Билим» жамияти ташкилотлари билан меҳнат жамоалари ўртасида иқтисодий ислохотнинг долзарб муаммоларига бағишланган семинарлар, курслар ташкил этиш юзасидан кўплаб шартномалар тузилмоқда. Жумҳурият иқтисодий ва илмий-техника тарғибот уйи бир йиллик фаолият доирасида 1400 дан ортиқ семинар, конференция, киношди савдоси ва билимлар ярмаркасини уюштирди. Уларда 50 мингдан кўпроқ киши иштирок этди.

«Билим» жамияти воситчилигида илмий-тадиқот институтлари билан ишлаб чиқариш корхоналарининг амалий алоқалари ўғнатилмоқда. «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти билан Фарғона вилоятининг Киров районидида Киров номли совхоз, Ўрта Осё қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти илмий-тадиқот институтининг бошланғич ташкилоти билан Жиззах вилоятининг Пахтакор районидида Кичанов номли совхоз, шу институт Ўрта Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ районидида Ким Пен Ха номли жамоа ҳўжалиги, ЎзССР Фанлар Академияси биохимия институтини билан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон районидида бир қатор ҳўжалиқлар ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик катта самара бермоқда.

Тарғибот ишларида оммавий лекциялар, давра сўхбатлари, савол-жавоб кечалари, баҳс-мунозаралар, лекция-мулоқотлар, лекция-сўхбатлар, лекция-концертлар тобора кен ўрин олмақда. Билимлар уйида лекциялар ўқитишдан ташқари 20 дан ортиқ турли тадбирлар — курслар, мактаблар, экспресс — дорилфунунлар, амалий учрашувлар клуби, кино-видеолекторийлар ишлаб турибди, қизқарли маданий-ҳўрдиқ чиқариш тадбирлари, марфаонлар, тематик кўрғазмалар уюштириляпти.

Халқ дорилфунунлари фаолиятига эътибор қучайтирилмоқда. Ҳўзирги пайтда жумҳуриятимизда 1.200 дан зиёд халқ дорилфунун, 700 та экспресс-дорилфунун ишлаб турибди. Уларда қарийб 120 минг киши ўз билим-иш оширмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори билан илгари туғатиб боқилган халқ дорилфунунлари жумҳурият кенгаши, шунингдек, вилоят, шаҳар, район кенгашлари, вазирликлар ва идоралар қўшидаги кенгашлар қайта тикланди.

Жамиятнинг вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари, иқидий уюшмалар билан алоқаси йил сайин мустаҳкамланмоқда. Айниқса, ЎзССР Фанлар академияси, Ўзбекистон филология институтининг филология факультетининг

Ўрта Осё бўлими ва унинг илмий муассасалари, Табиатини муҳофаза қилиш давлат комитети, Соғлиқни сақлаш, Адлия вазирликлари, ЎзССР Қишлоқ ҳўжалиги давлат-кооператив комитети билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар сезиларли самара бермоқда. «Билим» жамияти бутунгун қунда 30 дан ортиқ маънафдор ташкилотлар билан ана шундай алоқа ўрнатган.

Ҳўзир жамият ташкилотларини тўла ҳўжалик ҳисобига, ўзини ўзи маблаг билан таъминлашга ўтказиш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда барча вилоятлар, Тошкент ва Қўқон шаҳарлари, Каттақўрғон район «Билим» жамияти ташкилотлари ўз ишларини янги ҳа шароитларда олиб бормоқдалар.

Ишмидаги иқидий ўғариларнинг тўла ҳўжалик ҳисобига, ўзини ўзи маблаг билан таъминлашга ўтказиш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда барча вилоятлар, Тошкент ва Қўқон шаҳарлари, Каттақўрғон район «Билим» жамияти ташкилотлари ўз ишларини янги ҳа шароитларда олиб бормоқдалар.

Ишмидаги иқидий ўғариларнинг тўла ҳўжалик ҳисобига, ўзини ўзи маблаг билан таъминлашга ўтказиш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда барча вилоятлар, Тошкент ва Қўқон шаҳарлари, Каттақўрғон район «Билим» жамияти ташкилотлари ўз ишларини янги ҳа шароитларда олиб бормоқдалар.

Биз муаммо кўп жиҳатдан декторларнинг таъйирларига, маҳоратига бевосита билим, Бизда тингловчилар билан қизқарли мулоқот олиб бора оладиган, давраларда ҳаммани қизқиртирадиган, ифодали, илмий асосланган сўхбат ташкил этадиган, сўз санъатини яхши ағаллашган тарғиботчилар оз. Юқори малакали лекторлар таъйирлаш юзасидан жиддий ишларни амалга ошириш вақти етди. Жумҳуриятимиз олий ўқув юртида сўз усталари, нотидлар, моҳир тарғиботчилар таъйирлаш масаласини ўйлаб қўриш лозим.

Жамият ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, унинг имкониятларини кенгайтириш ишлари ҳамма ерда қўйилган. Даврада, шаҳарларда, вилоят марказларида лекция заллари, лекторийлар, Билимлар уйлари йўқ ҳисоби, сўз усталарини қўйларга олиб борадиган транспорт воситалари нийҳотда таъқис. Аҳвол шу даражага бориб етдики, «Билим» жамияти ҳатто ўз тасарруфидида маблаглар эвазига ҳам транспорт воситаларини сотиб олиш имкониятига ага эмас.

Лекторларнинг ҳамма жойда ҳам замонавий техника ва жиҳозлар билан таъмин этилмаган. Буларнинг ҳаммаси қайта қуриш шароитида жуда катта аҳамиятга ага бўлган тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга жиддий тўқинилик қилмоқда.

Ўйлашмики, жумҳурият «Билим» жамияти бошқаруви, унинг қўйлардаги ташкилотлари ва фаоллари ўз фаолиятларидаги камчиликларини, замон ўртага қўйган муаммоларини бартараф этиш чораларини қўридалар ва ишни бутунгун қун талабларини даражасига кўтаришга қодирларми?

ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбасари.

ҚАЙТА ҚУРИШГА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Марказий Комитет секретариати партия комитетларига аҳолини озиқ-овқат махсуслотлари ва бошқа товарлар билан таъминлашда юз бераётган вазиятга сиёсий жиҳатдан ўткир баҳо бериш вазифасини юкляди. Ана шу ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишга партиянинг эътиборли амалий ҳаракатлардан ўзларини четла олишга йўл қўйиб бўлмағлиги таъкидланди. Йўл қўйилган ўқиришлар ва ҳатолар учун айбдорлардан жавобгарлигини қаттиқ талаб қилиш керак.

КПСС XXVIII съезди партия кадрлар билан иш олиб боришда расмийликдан, номинклатура асосида ёндашувдан воз кечишини айтди. Давлат ҳўқимияти ва бошқарув идораларида, жамоат ташкилотларида кадрларга доир қарорларни қабул қилиш шартли экинчида қана шу идоралар ва ташкилотларга бериб қўйилган, партиянинг ўзида эса бундай аҳолиларга юқори органлардан партия ташкилотларига, барча коммунистларга берилган. Шу мўносбат би-

лан КПСС Марказий Комитетиде кадрлар билан ишлаш тартибини тўбдан ўзгартириш зарурати туғилди, шунга мувофиқ Марказий Комитетнинг тегишли қарори қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитетини лавозимлар номинклатурасини бекор қилиш мақсадага мувофиқ, деб топилади. Бундан бўён КПСС Марказий Комитетиде фақат партия ходимлари кадрлари, шунингдек КПСС Марказий Комитетига бўйсунувчи матбуот органларининг, илмий муассасалар ва ўқув юртиларнинг раҳбарларига таъкидланди. Иттифодшў жумҳуриятлар Компартияларининг, марказий Комитетларини янги шароитда кадрлар масалаларини қўриб қилиш тартибини белгилаб олиш тавсия қилинди.

Секретариат мажлисида М. С. Горбачевнинг Владивосток ва Красноярскдаги нутқларида олға сурилган ҳўлар ва ташаббусларни амалга оширишда КПССнинг иштроки масаласи, партия халқро фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

«ПРАВДА» — ТАСС.

«Қишлоқ ҳақиқати» муштарийларига

Бугунги кунда ҳаётимиз, онгимиз ва тафаккуримизда кечаётган инқилобий ўзгаришларнинг қўламини кенг, моҳияти тегар. Қайта қуриш шарофати билан эскича тамоиллар, мезонлар янги мазмун касб этаёпти. Ҳақ сўзининг қадри ошди, соғлом фикрга кенг йўл очилди. Одамлар покляниш хавосидан нафас олиб, келажакка ишонч билан назар ташляптилар. Жамият иқтисодий муаммолар юқи остида экинчи ётган бир пайтда бунинг муҳимлигини, аҳамиятини таъкидлаб ўтиришга ҳўжат бўлмаса керак.

Давр олдимизга янги вазифаларни қўндаланг қилиб қўймоқда. Уларни рўёбга чиқариш, омманинг меҳнат ва сиёсий фаолиятини оширишда вақтин матбуотнинг ўз ўрни бор. Биз, журналистлар бу борадаги бурч ва масъулиятимизни, қайта қуриш тақдирини учун жаобгарлигимизни тўла ҳис этишимиз. Бундан Ҳўзир томошабин бўлиб турадиган пайт эмас. Бой берилган инқилоблар ўғини тўлдирини, турмушини нормал изга солиш, маънавий қадриятларни тиклаш учун ҳар кун қўлидан келадиган ишни қилиш ҳам фарз, ҳам қарз. Матбуот қишқирлар таъсирчанлик, жанговарлик касб этаётгани, унда таъкидлий руҳнинг қучайиб бораётгани муштарийларимизни мамнун қилаёпти. Улар ўз мактубларида ҳаёт қатламларига чуқур кириб бориш, етилган масалаларни дадиллик билан қўтариб чиқиш, бадий сўз имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш юзасидан қимматли фикр-мулоҳазаларини баён айлалб, адолат ва ҳақиқат принципидан чекинмасликка даъват этаётдилар. Тахририят келажакдаги иш режалариде буларни инобатга олади, албатта.

Азиз ишчи-қишлоқ мухбирлари, муҳтарам дўстлар! Мамлакатимиз бошқариладиган бозор иқтисодида ўтиш учун таъйирларлик қўймоқда. Нарх-наво кўтариляпти. Табиийки, бу жараён оммани ахборот воситаларини четлаб ўтиш мумкин эмас. КПСС Марказий Комитетининг «Марказий партия матбуоти» қайта қуришнинг баъзи масалалари тўғрисидаги қароридан келиб чиққан ҳолда жумҳуриятимизда бир қатор тадбирларни амалга ошириш қўзда тутиляпти. Бундан мақсад вақтли наирлар

ишини тақомиллаштириш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, сарф-ҳаражатларини муқобиллаштиришдан иборат.

1991 йилда рўзномамизнинг ташкилий тузилишида ўзгаришлар бўлиши қўлтиломоқда. Рус тилида чоп этиб келинган «Сельская правда» газетасининг қишқини 1 январдан бошлаб тўхтатилади. «Қишлоқ ҳақиқати» ҳўзиргидек ҳафтасига олти марта эмас, беш марта чиқадиган бўлади. Қанчалик малол келмасин, айнишга мажбуримиз: семинли рўзномамизга обуна бўлиш учун оила ҳамёндан бу йил қийда қўш — 17 сўм 40 тийин ажратилишига тўғри келад. Бу сўз учун оғирлигини тушунамиз. Начора, шароит шунча тақазо этаёпти. Бошқа наирлар ҳақида гапирмай қўй қўлайлик. Муҳтожлик, иқтисодий тақийлалик ўсиб бораётган бир пайтда нима сабабдан бундай йўл тутилди? Маълумки, босма наир жараёни анча мураккаб, ўзига хос. Сўз рўзнома саҳифаларида ўқилганга у ёни бу ҳаба, мақола ўйлаб қўйлардан ўтади, терфдан ва чоп этиш учун қанча маблаг, энергия, қороз сарфланган. Ҳўзир ана шуларнинг ҳаммаси қимматлашаёпти. Сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда, қороз учун сарфланадиган умумий ҳаражатлар 3—4 баравар, алоқа хизматига тўланидиган ҳақ 2,4 баравар, полиграфик ишлар қиймати 1,9 баравар ошмиш қўлтиляпти. Ҳа, бозор иқтисоди шароитида ишлаш ҳеч кимга осон бўлмағлиги аниқ.

Биз янги йилда муштарийларимизга жаннатни ваъда қилмаймиз. Фақат шўни эслабди қўймоқчимизки, рўзнома одатдигидек уларнинг яқин қўмақчиси, дарддоши, ишончли ҳимоячиси бўлиб қолади. Ҳўзир тахририят ўз режаларини тузмоқда, қилинадиган ишлар ҳажминини белгилаб олмақда. 1991 йилда янги ойнасўлар очини, партия турмуши, инсон ва имон, ахлоқ-одоб, муҳокама ва мунозара мавзуда қизқарли мақолалар чоп этиш, ағросаноат тармоғидан илгорт таъриблар ва иш усуллари оммалаштириш, қишлоқда ишовчи бадий ҳисобларнинг ижод намуналарини фаол тарғиб қилиш ниътидамиз. Жумҳурият ҳаёти, тарих ва маданият ёдгорликларини

тиклаш, дала меҳнатчиларининг қувонч ва ташвишлари, маънавият, тил, қадрийат масалалари рўзнома саҳифаларида мунтазам ёритиб борилади.

Сир эмас: ўлкамизда «Қишлоқ ҳақиқати»нинг юзлаб, минглаб содиқ мухлислари, жонқурлари бор. Айни шу дамларда биз уларнинг мададига, қўллаб-қувватлашига муҳтожимиз. Рўзнома шайни, обрў-эътибори, тақдирини учун қурашадиган, жўжани қуада синайдиган пайт келди. Обуяни уюшқонлик билан ўтказиш учун барча чораларни қўриш, меҳнатқашлар ўртасида омманий тушунишни ишларини қучайтириш лозим. Токи матбуотини қайта қуриш, уни иқтисодий ислох қилиш госян ҳар бир қалбага етиб бориши. Ана шунда иш осон қучади, турли хил гап-сўзларга ўрин қолмайди.

